
АОКА директори Фарғона вилоятидаги матбуот котиблари билан учрашди

Вилоят ҳокимлиги мажлислар залида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, вилоят ташкилотлари ва идоралари ахборот хизматлари раҳбарларининг Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори Асаджон Ходжаев билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги матбуот хизматлари фаолияти таҳлил қилинди, юртимиздаги амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида очиқлик, ошкоралик ва шаффофликни таъминлашда ахборот хизматлари олдида турган вазифалар ҳақида сўз борди.

Танқидий руҳда ўтказилган учрашувда ахборот манбаларида таҳлил, шарҳ, сифатли видеоконтент, инфографикаларни кўпайтириш борасида алоҳида сўз борди. Ахборотни етказиб бериш шакллари замонавий платформаларга янада мослаштириш, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларда обуначалар сонини кўпайтириш долзарб масала экани таъкидланди. Расмий веб-сайтлар фаолиятини янада ривожлантириш лозимлигига эътибор қаратилди.

АОКА директори ахборот хизматлари учун яратилган шароитлар билан ҳам қизиқди. Бу борадаги ўрганишлар якунига етказилиб, ахборот хизматлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича Президент қарори ижроси тўлиқ таъминланиши лозимлиги таъкидланди.

Учрашувда матбуот котибларининг ОАВ ҳамда блогерлар билан янада яқиндан ҳамкорлик қилиши, очиқ ва шаффоф фаолият кўрсатиши зарурлиги қайд этилди.

“2021 йилнинг биринчи ярим йиллик фаолияти бўйича натижалар тез орада эълон қилинади. Шу боис барча матбуот котиби ўз ишини тўғри ва самарали йўлга қўйиши лозим. Акс ҳолда, паст натижа қайд этган матбуот котиблари фаолияти бўйича жиддийроқ хулоса қилишимизга тўғри келади”, - деди Асаджон Ходжаев.

2021-06-12 21:12:58